

## Жаннатий аёл



19:40 / 06.02.2024 3297

Аёл эрини рози қилиш билан ўзига жаннатни нақд қилиб олади. Умуман аёлнинг икки дунё саодатига ноил бўлиши учун эрининг розилиги муҳим ўрин эгаллайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

ةنجل تلخد ضرارهن ع اه جوز و تمام ةأرم إاميا

Қайси аёлки оламдан ўтаркан, унинг эри рози бўлса, у албатта жаннатга киради!

Бошқа бир ҳадисда эса қуйидагича келади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни саҳобаларига шундай савол қилдилар: «**Аёлларингиз ичида аҳли жаннатлари ким, айтиб**

**берайми?» Саҳобалар: «Ҳа, айтиб беринг Эй Расулуллоҳ!»-дедилар. Расулимиз: «Истараси иссиқ ёқимли, бола туғадиган, гуноҳ қилиб қўйганда эрининг қўлини ушлаб «мени кечиринг» ёки «нима қилсангиз ҳам майли, розиман» дейдиганлари»-дедилар[1].**

Сафвон ибн Салим раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинган мана бу ҳадис ҳам аёлларга тааллуқли муҳим ҳадислардан биридир: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

Аёллар тўрт хилдир:

Биринчи тури эрига ҳамдард ва доим ундан кўнгил сўрайдиган, эри билан ҳамфикр, эрига муҳаббатли ва бола туғадиган. Эри унга ишониб иш топширганда эрининг молини асрайди ва оз-оздан эҳтиётлаб сарфлайди. Бу турли аёл Аллоҳнинг омилларидан бир омилдир.

Иккинчи тур аёл эрига ҳамдард ва доим ундан кўнгил сўрайдиган, эри билан ҳамфикр, эрига муҳаббатли ва бола туғадиган. Эри унга ишониб иш топширганда эрининг молини бировга инфоқ ҳам қилмайди, ўзи тадбир билансақламайди ҳам. Бу турли аёл куйдирувчи, яксон қилувчидир.

Яна бир турли аёл бор. Аллоҳ унга барака берган, уни эридан ҳеч ким ажрата олмайди. фақат Аллоҳ – ислом ҳукми ила ажралиши мумкин холос. Бу аёл эри йўқлигида унинг моли ва номусини сақлайди. Унинг ҳаққини адо қилади. Бунақанги аёллар Аллоҳнинг наздида энг шарафли ва олийбартабали аёллардир.

Тўртинчи тур аёллар. Буларнинг ташқи қиёфаси ҳам, ички дунёси ҳам гўзал. Моли ҳалол, таоми лаззатли. Эрига муҳаббатли ва у билан ҳамфикр бу тур аёлларнинг саййидаларидир![2]

### **Изоҳ:**

Бу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёл кишини Исломда манзилени кўтариб, мартабасини оширадиган, Аллоҳнинг наздида мақомини юксалтирадиган фазилатларини қатор санаб бердилар. Эрининг молини исроф қилмаса, унинг ор-номусини эҳтиётласа, ташқи кўринишига эътиборли бўлса, эрига ҳамиша очиқ чехрали бўлса, ички дунёсини ҳам маънавий иллатлардан поклаб қалбини соф тутса, эрини

яхши кўрса ва ундан бошқасини ҳаёлига ҳам келтирмаса, ҳеч қачон эрига қарши бормаса, эри фарзанд кўришни истаганда хўп деб рози бўлса, қоматим бузилади деб бола туғишдан бўйин тобламаса, бундай аёл Аллоҳнинг даргоҳида муносиб ўрнига эга аёллар саййидаси бўлар экан. Аллоҳ барчамизнинг аёлларимизни солиҳалардан қилсин! Яхши аёл эркакнинг бахти, ёмон аёл эса пешонанинг шўри. Халқимизда мақол бор:

*Хотининг яхши бўлса, Тўйга бормоқ – на ҳожат;  
Хотининг ёмон бўлса, Азага бормоқ – на ҳожат?!*

**Шаробидин Мусабоев**

[1] «Китобу адаб ан-нисо» 9 - ҳадис.

[2] [2] «Китобу адаб ан-нисо» 12 - ҳадис